
Соғлиқни сақлаш вазирлиги: КОРОНАВИРУС ҚАЙД ЭТИЛГАН 504 НАФАР ФУҚАРОДАН 212 НАФАРИ ЭРКАК, 292 НАФАРИ ЭСА АЁЛЛАРДИР

Аввал хабар қилганимиздек, айти пайтда коронавирус инфекцияси қайд этилган ҳолатлар сони 504 нафарни ташкил этмоқда. Беморларнинг 212 нафари эркак, 292 нафари аёллардир.

Беморларнинг ёши:

0-9 ёшгача – 20 нафар (4%); 10-19 ёшгача – 29 нафар (5,8%); 20-29 ёшгача – 84 нафар (16,7%); 30-39 ёшгача – 132 нафар (26,2%); 40-49 ёшгача – 137 нафар (27%); 50-59 ёшгача – 72 нафар (14,3%); 60-69 ёшгача – 22 нафар (4,4%); 70-79 ёшгача – 7 нафар (1,4%); 80 ёшдан юқори бўлганлар 1 нафар (0,2%)ни ташкил этмоқда.

Айти пайтда коронавирус инфекциясига чалинган 194 нафар бемор Тошкент шаҳрида даволанмоқда. Шунингдек,

Қорақалпоғистон Республикасида 16, Андижон вилоятида 61, Бухоро вилоятида 84, Наманган вилоятида 51, Фарғона вилоятида 70, Хоразм вилоятида 18, Қашқадарё вилоятида 6, Навоий вилоятида 2, Самарқанд вилоятида 1, Жиззах вилоятида 1 нафардан

бемор ҳудуддаги юқумли касалликларга ихтисослашган шифохоналарда даволанишмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, лаборатор таҳлиллар натижасида касаллиги аниқланган фуқаролар доимий рўйхатдан ўтган жойидан қатъий назар карантинда бўлган ҳудудидаги ихтисослашган тиббиёт муассасаларига даволаш учун ўтказилмоқда.

Айти пайтда тиббиёт ходимлари томонидан беморларга халқаро стандартлар асосида даво муолажалари олиб борилмоқда.

Шу кунга қадар 30 нафар бемор ушбу касалликдан бутунлай соғайган.

Эслатиб ўтамиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда эпидемиологик суруштирув ҳамда коронавирус инфекциясининг тарқалиб кетмаслиги учун барча зарур профилактик чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

2020-04-07 19:26:02